

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Qx.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ЭШОНКУЛОВ БАБУР МАМУРОВИЧ

**ГЕНЕРАТИВ УРУҒЛАРДАН КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ ВА
УНДАН УРУҒЧИЛИКДА ФОЙДАЛАНИШ**

**06.01.08 - Ўсимликшунослик
06.01.05 - Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственной науке**
Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Эшонкулов Бабур Мамурович

Генератив уруғлардан картошка етиштириш ва ундан уруғчиликда
фойдаланиш3

Эшонкулов Бабур Мамурович

Генеративное размножение картофеля и ее использование в
семеноводстве.....21

Eshonkulov Babur Mamurovich

Potato production from true potato seeds and utilization it in seed growing37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works41

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Qx.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ЭШОНКУЛОВ БАБУР МАМУРОВИЧ

**ГЕНЕРАТИВ УРУҒЛАРДАН КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ ВА
УНДАН УРУҒЧИЛИКДА ФОЙДАЛАНИШ**

**06.01.08 - Ўсимликшунослик
06.01.05 - Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx42 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samqxi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Ибрагим Ташкентович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Мингжигит Каттабекович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Назаров Худайберди Куйдимуратович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Qx.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси 77 уй: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20; e-mail: saai_info@edu.uz. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Бош бино, 2-қават, кичик мажлислар зали.)

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Э.Остонақулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д.,
профессор

А.Л.Санақулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.д., доцент

А.А.Элмуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, қ.х.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда картошка ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 17 т., истеъмол қилиш эса ҳар бир жон бошига йилига 31,3 кг тўғри келмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 50-60 фоизи тўғридан-тўғри инсонлар истеъмоли учун, 25 фоизи чорвачиликда ва тахминан 10 фоизи уруғлик сифатида фойдаланилмоқда (FAO)¹. Дунёнинг картошка ишлаб чиқарувчи барча мамлакатларида хўжаликларни сифатли уруғлик материаллари билан таъминлаш, картошка уруғларини тежашнинг янги йўллари ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Дунёнинг Хитой, Ҳиндистон каби давлатларида уруғлик картошка муаммоси экинни генератив уруғларидан етиштириш орқали ҳал этилмоқда. Картошка генератив уруғларидан етиштирилганда гектарига ўртача 100-120 г уруғ сарфланиши, тежалган уруғлик туганакларни озик-овқат учун ишлатиш ҳамда харажатларни кескин камайтириш имконини беради. Картошка етиштириш учун мос навлар, дурагайлар, дурагай популяцияларнинг тўғри танланиши ва яратилиши, муайян тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда экиннинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хўраки ва уруғбоп картошка етиштириш технологиясининг яратилиши соҳа самарадорлигини оширишни таъминлайди. Дунё картошкачилигида асосан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян тупроқ-иқлим шароитларида юқори ва сифатли ҳосил берадиган навларни яратиш; навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уруғчилик тизимини такомиллаштириш; картошкани туганаклари ва генератив уруғларидан етиштиришнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш.

Республикамизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида етиштирилаётган картошка ҳосилини ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йиллар давомида картошка навлари тўплами орасидан турли тупроқ-иқлим шароитлари учун мос навларни танлаб, уруғчилигини ташкил этиш орқали уруғлик материаллар захираси яратилди. Шу билан биргаликда, турли тупроқ-иқлим шароитларида картошкани генератив уруғларидан етиштириш асосида уруғкўчатларни олиш, улардан картошка етиштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Республикани янада ривожлантиришга доир Ҳаракатлар Стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Республикада генератив уруғлардан картошка етиштириш, уруғлик туганакларни тежаш, картошка етиштириш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш

¹ FAO, 1995, 2004, 2008. Food and Agriculture Organization of United Nations (<https://fao.org>)

сингари муаммолар ўз ечимини топишга долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда картошкани генератив уруғларидан етиштириш асосан селекция мақсадларида профессорлар Д.Т.Абдукаримов, Т.Э.Остонақулов, И.Т.Эргашев ва бошқалар томонидан фойдаланиш ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ботаник уруғлардан картошка етиштириш технологиясининг элементлари профессор Т.Э.Остонақулов ва А.А.Элмуродовлар томонидан ўрганилган.

Лекин кейинги йилларда шаклланган сортимент ва генотиплар орасидан генератив уруғлардан уруғбоп ва хўраки картошка етиштириш учун мос намуналарни танлаш, улардан юқори сифатли хўраки ва уруғбоп картошка етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, айниқса резавор мева ҳосил қилувчи намуналарни ажратиш ва улардан генератив уруғларни олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-048 «Генератив уруғларидан картошка етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), ҚХА-8-020-2015 «Конкурс нав синовида янги картошка навларини баҳолашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва давлат нав синовида топшириш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади генератив уруғлардан картошка етиштириш учун мос навлар, дурагайлар, дурагай популяцияларини танлаш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиясини ишлаб чиқиш, олинган туганаклардан вируссиз асосидаги уруғчиликда дастлабки материал сифатида фойдаланишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

генотипларнинг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, касаллик-зараркунандаларга чидамлилиги, морфогенетик хусусиятлари ва генератив уруғлари орқали етиштиришга мослиги бўйича баҳолаш ва танлаш;

картошка намуналари генератив уруғларининг унувчанлиги, кўчатларининг тутувчанлиги, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, вирус касалликлари билан зарарланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил структурасини аниқлаш;

резавор мева ҳосил қилувчи ва сифатли уруғ берувчи шаклларни танлаш ва улардан ботаник уруғлар етиштиришнинг биологик ва агроэкологик омилларини ўрганиш;

намуналарнинг ҳар хил шароитда етиштирилган ўсимликларидан олинган генератив уруғларининг наводорлик ва экинбоплик сифатларини баҳолаш;

генератив уруғларидан етиштирилган намуналардан вируссиз асосидаги уруғчиликда дастлабки материал сифатида фойдаланиш;

генератив уруғларидан уруғбоп ва хўраки картошка етиштиришнинг самарали технологияси элементларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида картошка навлари, дурагайлари, дурагай популяциялари ва ўзидан чанглатилган линияларнинг генератив уруғлари ва уларнинг туганак репродукциялари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети картошка генератив уруғларининг унувчанлиги, уруғкўчатларнинг тутувчанлиги, экиш схемаси, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, вирус касалликлари билан зарарланиши, ҳосилдорлиги, намуналарнинг резавор мева ҳосил қилиш хусусиятлари, уларнинг уруғ чикими, туганакларнинг истеъмол ва уруғлик сифатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар давомида фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчовлар Картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти услубида, ўсимликларнинг вирус касалликлари билан касалланиши визуал усулда, шунингдек ўсимликларнинг Х, S, М ва Y вируслар билан зарарланиши серологик таҳлиллар асосида (Методические указания по диагностике вирусных и микоплазменных болезней) аниқланди. Ёзда янги қовлаб олинган туганаклар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари тавсиялари (1983) асосида ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланиб қайта экилди. Навларнинг иммунобиологик хусусиятлари ўсимликларнинг морфологик ва биокимёвий хусусиятларини баҳолаш асосида ўтказилди. Тадқиқотлардан олинган натижалар Б.А.Доспехов услуби бўйича статистик ишланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор картошканинг навлари, дурагайлари, дурагай популяциялари ва ўзидан чанглатилган линиялар коллекциясидан резавор мева ҳосил қилувчи шакллар ажратилган ҳамда улардан генератив уруғлар олиш имконияти исботланган;

картошка уруғкўчатлари 70x20 см схемада экилганда ўсимликларнинг мақбул ўсиши, ривожланиши ва юқори ҳосилдорликни таъминлаши аниқланган;

уруғкўчат усулда картошка етиштиришнинг самарали агротехнологиясини қўллаш натижасида юқори ҳосил олиш имкониятлари исботланган;

генератив уруғлардан етиштириб олинган туганаклардан экиннинг вируссиз асосдаги уруғчилигида дастлабки материал сифатида фойдаланилган;

генератив уруғлардан етиштириб олинган туганакларнинг биринчи ва иккинчи репродукцияларидан уруғлик сифатида фойдаланилиб, олинган ҳосилнинг истеъмол учун яроқлилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Картошкани генератив уруғларидан етиштириш учун мос намуналар сифатида танланган Дева, Сурхон-1, F₁ Лада, Триумф ва Илона намуналарининг уруғкўчатлари 70x20 см схемада экилганда гектаридан 31,3 т гача ҳосил олишни таъминлаган;

картошканинг резавор мева ҳосил қилиши, уларнинг уруғ чиқими ва унувчанлигига намуналарнинг биологик хусусиятларига ҳамда ўсимликлар етиштирилган тупроқ-иқлим шароитларининг таъсири жумладан, тоғолди зонасида сифатли ботаник уруғлар етиштириш мумкинлиги исботланган;

картошкани генератив уруғларидан вируссиз асосдаги уруғчилик учун дастлабки материал сифатида фойдаланиб олинган биринчи туганак репродукциясини экиш намуналар бўйича гектаридан 20,4 т дан (F₁ Лада намунасида) 32,0 т гача (Дева намунасида) ҳосил олиш таъминланган.

уруғкўчат усулида етиштириб олинган туганакларнинг биринчи ва иккинчи репродукцияларидан уруғлик сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган, учинчи туганак репродукцияси ҳосилдорлигининг кескин пасайиб кетиши сабабли уруғлик сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган;

тадқиқотлар натижасида картошканинг янги «Фаровон» ва «Феруза» навлари яратилган ва Давлат нав синовига ҳамда селекцион намуналарни баҳолашнинг 2 та янги усули ишлаб чиқилиб интеллектуал мулк агентлигига топширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибалари ва бирламчи ҳужжатлар ҳолати Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги илмий марказнинг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, барча олинган экспериментал маълумотлар статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги унинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республика шароити учун генератив уруғларидан етиштириш учун мос намуналарнинг танланганлиги, бу усулда картошка етиштириш технологиясининг такомиллаштирилганлиги, олинган туганаклардан экиннинг вируссиз асосдаги уруғчилигида дастлабки материал сифатида фойдаланилганлиги, резавор мева ҳосил қилувчи намуналарнинг ажратилганлиги, улардан тупроқ-иқлим шароитлари ва намуналарнинг биологик хусусиятларига боғлиқ равишда генератив уруғларини олиш имконияти асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини Республикамиз шароитида картошка генератив уруғларидан етиштирилганда юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи намуналарнинг танланганлиги, бу усулдан картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун дастлабки материал сифатида фойдаланилганлиги, бундай туганакларнинг биринчи ва иккинчи репродукцияларидан уруғлик сифатида фойдаланишнинг аниқланганлиги, янги усулнинг жорий этилиши гектаридан 3,0-3,5 т уруғлик материални тежаш орқали картошқачиликда иқтисодий самарадорликнинг ошишига имконият яратилиши исботланганлиги белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генератив уруғлардан картошка етиштириш ва ундан уруғчиликда фойдаланиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

картошканинг янги яратилган «Фаровон» ва «Феруза» навлари 2017 йилда Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2017 йил 13 мартдаги 53/4-144-сон ва 2017 йил 10 июлдаги 53/4-306-сон маълумотномалари). Натижада, ушбу навлардан стандарт навга нисбатан гектарига 10-13 центнер кўшимча картошка ҳосили олишга эришилган;

картошкани генератив уруғлардан етиштириш технологияси Самарқанд вилояти Тайлоқ, Ургут, Булунғур ва Жомбой туманлари сабзавотчилик фермер хўжаликларида жами 111 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 15 августдаги 02/22-425-сон маълумотномаси). Бунда уруғ кўчат усулида етиштирилганда гектаридан 19,6 тонна, биринчи ва иккинчи туганак репродукциялари экилганда эса 18,4–31,3 тонна ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 79,8–177,5 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Картошкани генератив уруғларидан етиштиришнинг афзалликлари, ҳолати ва етиштирилган картошка туганакларидан уруғлик мақсадларида фойдаланиш»** деб номланган биринчи бобида мазкур мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлил қилиниб, картошкани генератив уруғларидан етиштиришнинг афзалликлари ва бугунги кунда дунёда ундан қай мақсадларда фойдаланилаётгани ҳақида батафсил ёритилган.

Генератив уруғларидан картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлишидан ташқари улардан олинган ҳосилдан, яъни туганакларидан уруғлик материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва бундай туганакларнинг кейинги репродукциялар уруғлик мақсадларида фойдаланиб олинган ҳосилни истеъмол учун фойдаланиш мумкинлиги ҳамда республикамиз шароитида генератив уруғларидан картошка етиштириш учун мос намуналарининг танланиши, экиндан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиясининг ишлаб чиқилиши республикамизда картошкачиликни янада ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин бўлган янги йўналишларидан бири сифатида хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни олиб бориш жойи, шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой, тажрибалар ўтказилган шароитнинг тупроқ-иқлим тавсифи, кўп йиллик об-ҳаво шароитлари, тадқиқот услублари, картошкани генератив уруғлари ва туганаклари орқали етиштириш технологиялари баён этилган.

Тажрибалар 2012-2016 йиллар мабойнида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий тажриба станцияси шароитида олиб борилган.

Фенологик кузатишлар Давлат нав синаш комиссияси услуги бўйича, биометрик ўлчашлар (ўсимлик бўйи, пояси, ён поялар сони, барг сони ва сатҳи кабилар) картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти услуги бўйича, ўсимликларнинг вирус касалликлари билан яққол ҳолдаги зарарланиши визуал усулда, ўсимликларнинг Х, S, M ва Y вируслар билан

яширин шаклда зарарланиши уларнинг вегетацияси давомида 2 марта (шоналаш ва гуллаш даврида) серологик таҳлилларга (Методические указания по диагностике вирусных и микоплазменных болезней. М., 1977) асосланиб, ҳосилдорлик делянка ҳосилини йиғиштириб уни майдон бирлигига ўтказиш орқали, умумий ҳосилдан товар ва уруғбоп туганаклар чиқими вариантлар бўйича аниқланди, туганакларнинг уруғлик сифати вирус касалликлар билан зарарланиши ҳамда кейинги репродукция ҳосилдорлиги бўйича ўрганилди, ҳосилдорлик кўрсаткичларига Б.А.Доспехов (1985), Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов (2002) бўйича статистик ишлов берилди.

Навларнинг иммунобиологик хусусиятларини баҳолаш ўсимликларнинг морфологик ва биокимёвий хусусиятлари асосида (1991) ўтказилди.

Диссертациянинг «Генератив уруғларидан етиштирилган картошканинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги» деб номланган учинчи бобида Республиканинг турли тупроқ-иклим шароитларида генератив уруғларидан етиштирилган картошка намуналарининг ўсиши, ривожланиши, резавор мева ҳосил қилиш даражалари ва ҳосилдорлиги ўрганилган.

Тадқиқотларда кўчатларнинг дала тутувчанлиги намуналар бўйича 89,6-95,0 фоизни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич Триумф (95,0 фоиз) ва Дева намуналарида (94,5 фоиз), энг паст кўчатларнинг дала тутувчанлиги эса Илона намунасида 89,6 фоизни ташкил қилди (1-жадвал).

1- жадвал

Картошка намуналарида уруғларнинг унувчанлиги ва кўчатларнинг тутувчанлик кўрсаткичлари

т/р	Намуналар	Экилган уруғлар сони, дона	Уруғларнинг унувчанлиги, фоиз	Экилган кўчатлар сони, дона	Яшаб қолган кўчатлар сони, туп	Кўчатларнинг тутувчанлиги, фоиз
1	Вир 8	5000	90,2	4510	4072	90,3
2	Сурхон-1	5900	94,3	5821	5355	92,0
3	Дева	8810	96,5	8500	8032	94,5
4	F ₁ Лада	7714	87,5	6750	6048	89,6
5	Триумф	7032	96,7	6800	6460	95,0
6	Илона	9620	88,7	8540	7651	89,6

Кўчатларнинг далага ўтказилганидан бошлаб палак сарғайишигача бўлган давр (вегетация даври) давомийлиги намуналар бўйича 122-128 кунни ташкил қилган. Ўрганилган намуналар орасида энг тезпишари Сурхон-1 намунаси бўлиб, бу намуна ўсимликларининг вегетация даври ўртача 122 кунни ташкил қилган бўлса, энг кечпишар намуналар (ВИР-8, Триумф) ўсимликларининг ўсув даври давомийлиги 128 кунни ташкил қилган.

Тадқиқотларимизда генератив уруғларидан етиштирилган картошка намуналари ўсимликларининг яширин шаклдаги вируслар билан паст даражада зарарланганлиги аниқланди.

Ўрганилган намуналар орасида энг паст зарарланиш даражаси (0,5 фоиз) Дева намунаси ўсимликларида кузатилган бўлса, айрим намуналарда эса (F₁ Лада) бу кўрсаткич 1,1 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Генератив уруғлари билан етиштирилган картошканинг вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз ҳисобида (2012-2014 йй.)

№	Намуналар	Вирус касалликлари		Жумладан, вируслар			
		яққол шаклда	яширин шаклда	Х	С	М	Ү
1	ВИР- 8	0	0,8	0,2	0	0,4	0,2
2	Сурхон-1	0	0,6	0,1	0,2	0,1	0,2
3	Дева	0	0,5	0,2	0,2	0,1	-
4	F ₁ Лада	0	1,1	0,3	0,3	0,2	0,3
5	Триумф	0	0,6	0,2	0,2	0,2	-
6	Илона	0	0,8	0,3	0,2	0,2	0,1

Бундай кўрсаткич патогенларнинг авлодларга камроқ даражада берилиши ёки ўсимликларнинг ўсув даврида юз берган инфекциянинг тарқалиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Генератив уруғларидан етиштирилган картошка намуналарининг ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Дева намунасида олинди. Бу намуна ўсимликларининг ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 31,3 т ни ташкил қилди. Энг паст ҳосилдорлик (17,5 т/га) Сурхон-1 намунасининг ўзидан чанглатилган линияси ўсимликларидан олинди. Бошқа намуналарда бу кўрсаткич ўртача 23,6-29,1 т ни ташкил қилди (3-жадвал).

3-жадвал

Генератив уруғидан етиштирилган картошка ҳосилдорлиги ва ҳосил структураси

Намуналар	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Товар туганаклар чиқими, фоиз		
	2012	2013	2014		жами	жумладан	
						30-80 г	>80 г
ВИР- 8	26,6	25,8	24,7	25,7	81,8	66,5	15,3
Сурхон-1	18,2	17,5	16,8	17,5	71,6	68,0	3,6
Дева	32,3	31,2	30,4	31,3	84,6	65,6	19,0
F ₁ Лада	22,2	21,4	20,6	21,4	79,0	60,7	18,3
Триумф	29,8	29,2	28,3	29,1	83,6	65,0	18,6
Илона	24,2	23,7	22,9	23,6	80,9	63,9	17,0
ЭКФ ₀₅ =	1,3	1,2	1,4				

Тадқиқотларда картошкани генератив уруғларидан етиштириш одатдаги майдон бирлигидан ўртача 3,0-3,5 т уруғлик туганакларни тежаш ҳисобига

соҳанинг рентабеллик даражаси юқори бўлишини таъминлайди. Бундай усулда картошканинг ВИР-8, Триумф ва Дева намуналарининг юқори (25,7-31,3 т/га) ҳосил бериши паст таннарх билан (10-12 минг сўм/ц) етиштиришга, бу эса ўз навбатида юқори (233,0-298,1 фоиз) рентабеллик даражасини таъминлаши аниқланди.

4-жадвал

Уруғкўчат усулида картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2012-2014 йй.)

№	Намуналар	Ҳосилдорлик, т/га	Жами харажатлар, минг сўм/га	1 ц маҳсулот таннархи, минг сўм	1 ц маҳсулотни сотиб баҳоси, минг/сўм	Ялли даромад, минг сўм/га	Соф фойда, минг сўм/га	Рентабеллик даражаси, фоиз
1.	Вир 8	25,7	3087	12,0	40	10280	7193	233,0
2.	Сурхон-1	17,5	3002	17,1	40	7000	3998	133,2
3.	Дева	31,3	3145	10,0	40	12520	9375	298,1
4.	F ₁ Лада	21,4	3036	14,2	40	8560	5524	181,9
5.	Триумф	29,1	3114	10,7	40	11640	8526	273,8
6.	Илона	23,6	3062	13,0	40	9440	6378	208,3

Ўтказилган дала тажрибаларимизда ўсимликларнинг резавор мева ҳосил қилиши бўйича ҳамма тупроқ-иқлим шароитларида ҳам энг юқори кўрсаткичлар Дева (38,1-66,5 фоиз), Триумф (37,6-65,2 фоиз), Сурхон-1 (34,5-64,0 фоиз), ВИР -8 (32,1-30,5 фоиз), Илона (21,0-54,3 фоиз) ва F₁ Лада намуналарида (20,8-52,0 фоиз) олинди.

Тадқиқотларда намуналарнинг резавор мева ҳосил қилиши, битта ўсимликда шаклланган мевалар сони ўртасида коррелятив боғлиқлик аниқланди. Текислик зонасидан тоғолди ва тоғли зонада етиштирилиши билан бу кўрсаткичларнинг ошиб бориши кузатилган. Масалан, Дева намунасида текислик зонасида жами ўсимликларнинг 38,1 фоизида резавор мева ҳосил бўлган. Бу ўсимликларнинг ҳар биридаги мевалар сони ўртача 11 донани, улардан уруғ чиқими 100 та мевадан 1,7 г ни, олинган уруғларнинг унувчанлиги эса 96,5 фоизни ташкил этган бўлса, тоғолди шароитида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 60,4 фоиз, 17 дон ва 1,8 г ни 98,0 фоизни ташкил этган.

Резавор мева ҳосил қилиш даражасининг юқорилиги ҳар бир ўсимликда шаклланадиган мевалар сонининг кўплиги, улардан уруғ чиқими ва унувчанлигининг юқорилиги учун республикамиз шароитида Дева, Триумф, ВИР-8, Сурхон-1, Илона ва F₁ Лада намуналаридан генератив уруғлари орқали кўпайтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Картошка уруғкўчатларини турли экиш схемаларида етиштириш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида генератив уруғларидан етиштирилган картошканинг ўсиши, ривожланиши ва

ҳосилдорлигига экиш схемасининг таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда картошка кўчатларининг тутувчанлиги уруғкўчатларни турли экиш схемасида намуналар бўйича ўртача 87,5-96,2 фоизни ташкил этди. Ҳамма намуналарда ҳам 70x10 см схемада экилган уруғкўчатларнинг тутувчанлиги энг юқори бўлиб, уларнинг кенгайиши билан бу кўрсаткичнинг пасайиб бориши кузатилди.

Энг паст кўрсаткич F1 Лада намунасининг 70x30 см схемада экилган вариантида тутувчанлиги 86,4 фоизни ташкил этди.

5-жадвал

Уруғкўчатларни экиш схемасини картошканинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири (2012-2014 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Уруғкўчатларни экиш схемалари				
		70 x 10	70 x 15	70 x 20	70 x 25	70 x 30
ВИР-8						
1	Ўсув даври давомийлиги, кун	135	132	128	125	122
2	Ассимиляция юзаси, см ² /га	28,8	30,5	34,7	31,3	29,8
3	Вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз	яққол ҳолда	0	0	0	0
		яширин шаклда	1,8	1,4	0,8	1,2
4	Ҳосилдорлик, т/га	21,0	22,2	25,7	24,0	22,6
Сурхон-1						
1	Ўсув даври давомийлиги, кун	129	126	122	120	117
2	Ассимиляция юзаси, см ² /га	29,7	30,5	32,4	30,3	27,7
3	Вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз	яққол ҳолда	0	0	0	0
		яширин шаклда	1,0	0,8	0,6	0,7
4	Ҳосилдорлик, т/га	14,4	15,8	17,5	16,7	15,4
Дева						
1	Ўсув даври давомийлиги, кун	131	129	125	124	121
2	Ассимиляция юзаси, см ² /га	28,5	30,1	31,5	30,2	29,4
3	Вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз	яққол ҳолда	0	0	0	0
		яширин шаклда	0,9	0,8	0,5	0,8
4	Ҳосилдорлик, т/га	24,6	26,0	31,3	27,7	23,7
F1 Лада						
1	Ўсув даври давомийлиги, кун	132	129	125	125	123
2	Ассимиляция юзаси, см ² /га	29,0	31,8	32,6	31,7	30,4
3	Вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз	яққол ҳолда	0	0	0	0
		яширин шаклда	1,8	1,6	1,1	1,4
4	Ҳосилдорлик, т/га	17,8	19,2	21,4	19,2	17,0
Триумф						
1	Ўсув даври давомийлиги, кун	135	131	128	127	124
2	Ассимиляция юзаси, см ² /га	29,0	31,8	32,6	31,7	30,4
3	Вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз	яққол ҳолда	0	0	0	0
		яширин шаклда	1,1	0,8	0,6	0,9
4	Ҳосилдорлик, т/га	22,6	24,1	29,1	26,0	23,3
Илона						
1	Ўсув даври давомийлиги, кун	129	126	124	123	120
2	Ассимиляция юзаси, см ² /га	26,0	27,6	28,4	27,6	27,0
3	Вирус касалликлари билан зарарланиши, фоиз	яққол ҳолда	0	0	0	0
		яширин шаклда	1,4	1,0	0,8	0,9
4	Ҳосилдорлик, т/га	19,6	21,9	23,6	21,7	19,3

Генератив уруғларидан картошка етиштиришда оптимал туп қалинлигини, яъни ўсимликларда юқори биометрик кўрсаткичларини, жумладан, максимал ассимиляция юзасини таъминлаши учун уруғкўчатларни 70x20 см схемада жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Уруғкўчатларни экиш схемаси ўсимликларнинг яширин шаклдаги вируслар билан зарарланиш даражасига таъсир кўрсатади. Майдон бирлигида туп қалинлигининг ошиши билан ҳамма намуналарда ўсимликларнинг контакт усулда тарқаладиган Х ва М вируслари билан, катта экиш схемалари эса ўсимликларнинг энтомофил табиати билан характерланадиган Y вирус билан зарарланишини кучайтириши аниқланди.

Тадқиқотларда уруғкўчатларни экиш схемасининг кенгайтирилиши билан ҳамма намуналарда ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ошиб бориши аниқланди. Энг юқори маҳсулдорлик экиш схемасига боғлиқ равишда Дева (426-554 г/туп) ва Триумф намуналарида (336-610 г/туп), энг паст маҳсулдорлик Сурхон-1 (244-385 г/туп) ва F1 Лада намуналарида (268-432 г/туп) кузатилди.

Таҷрибалар уруғкўчатларини 70x20 схемада экиш картошкadan юқори ҳосил олишни таъминлашини кўрсатди. Намуналар бўйича бу вариантдан гектаридан 17,5 т дан (Сурхон-1) 31,3 т гача (Дева) ҳосил олинди. Экиш схемасининг кенгайиши билан умумий ҳосилдан майда туганаклар чиқимининг камайиши ва йирик (массаси 80 г дан катта) чиқимининг кўпайиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Генератив уруғларидан етиштирилган картошка туганак репродукцияларидан вируссиз асосидаги уруғчиликда фойдаланиш самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида генератив уруғларидан етиштирилган картошка туганакларидан уруғлик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари, бундай туганак репродукцияларидан уруғчиликда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Генератив уруғларидан олинган туганак репродукцияларининг ўсув даври давомийлиги намуналар бўйича 76-86 кунни ташкил этди. Шу билан бирга, туганак репродукциясининг ошиб бориши билан бу даврнинг 3-9 кунга қисқариши аниқланди.

Биометрик кўрсаткичларнинг пасайиш интенсивлиги стандарт навга нисбатан намуналарнинг генератив уруғларидан етиштирилган туганаклари репродукцияларида юқори эканлиги аниқланди. Бундай натижалар намуналарнинг генетик ҳар хиллиги билан боғлиқ.

Генератив уруғлардан етиштирилган картошка туганак репродукциялар сонининг ошиб бориши билан ўсимликларнинг вирус касалликлари билан зарарланиш интенсивлиги ҳам ошиб боради. Зарарланиш интенсивлиги эса навнинг генетик хусусиятларига боғлиқ равишда ортиб боради. Масалан, биринчи туганак репродукциясида ўсимликларининг яширин шаклда вируслар билан зарарланиш даражаси Дева намунасида 6,6 фоизни, ВИР-8 намунасида 8,8 фоизни ташкил этди. Яъни ўрганилган ҳамма намуналарнинг

генератив уруғлардан етиштириб олинган биринчи туганак репродукцияси ўсимликлари стандарт навга нисбатан анча паст даражада вируслар билан зарарланди.

Иккинчи туганак репродукциялари экилганда ўсимликларнинг яширин шаклдаги вируслар билан зарарланиши ҳамма намуналарда бирмунча ошганлиги аниқланди ва намуналар бўйича бу кўрсаткич ўртача 17,3-27,4 фоизни, учинчи туганак репродукциясида эса ўрганилган намуналарнинг яширин шаклда зарарланиш даражаси 24-52 фоизгача ошиши кузатилди. Стандарт сифатида ўрганилган Кувонч 1656 М навининг иккинчи репродукция ўсимликларида бу кўрсаткич 48,1 фоизни ташкил этди. Вируслар билан зарарланган ўсимликларнинг асосий қисмида контакт усулида тарқалувчи Х ва ҳашаротлар ёрдамида тарқаладиган Y вируслари топилди.

Картошкани генератив уруғлардан етиштириб олинган туганакларнинг кейинги репродукцияларидан уруғлик сифатида фойдаланилганда энг юқори ҳосилдорлик биринчи репродукция майдонларидан олинди. Ўрганилган намуналар бўйича бу кўрсаткич гектаридан 20,4 т дан (F₁ Лада намунасида) 32,0 т гача (Дева намунасида) олинди.

Иккинчи туганак репродукцияси ҳосилдорлиги биринчи репродукциядагига нисбатан намуналар бўйича 2,1-4,1 т га ёки 6,0-21,1 фоизга пасайиши кузатилган. Назорат вариантда бу кўрсаткич 9,3 фоизни ташкил этди.

Репродукциялар сонининг ошиб бориши билан ҳосилдорликнинг пасайиш интенсивлиги, айниқса генератив уруғларидан олинган уруғлик картошканинг учинчи репродукциясида кескин кузатилди, яъни намуналар бўйича бу кўрсаткич иккинчи туганак репродукциясига нисбатан 6,3-15,4 т гача пасайиши кузатилган. Бу эса ўз навбатида олдинги репродукцияга нисбатан 37,7-59,2 фоиз паст бўлиб, стандарт навда бу кўрсаткич 7,2 фоизни ташкил қилди.

Олинган натижалар навларнинг хўжалик-биологик, жумладан ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича генетик барқарор эканлиги, генератив уруғлари билан етиштирилган намуналарнинг эса гетерозиготалиги, репродукция сонининг ошиши белгининг намоён бўлиш даражасининг кучайиши билан боғлиқлиги исботланди.

Бу эса, генератив уруғлардан уруғкўчат усулида етиштириб олинган туганакларнинг биринчи ва иккинчи репродукцияларидан уруғлик сифатида фойдаланиш мумкинлиги, генетик гетерозиготаликнинг кучли номоён бўлиши натижасида ҳосилдорликнинг кескин пасайиб кетиши туфайли бундай уруғлик материалнинг учинчи туганак репродукциясидан уруғлик сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги исботланган.

Тадқиқотларимизда генератив уруғлардан етиштирилган картошка нав ва намуналарининг биринчи туганак репродукцияларидан экилган вариантда юқори ҳосилдорликка эришилганлиги сабабли соҳанинг юқори рентабеллик даражасини таъминлайди. Масалан бу вариантда намуналар бўйича

рентабеллик даражаси 108,8-200,5 фоиз ни ташкил қилган бўлса, стандарт Қувонч 1656 М навида бу кўрсаткич 116,7 фоиз ни ташкил этди. Тажирибада ўрганилган намуналар орасида ҳосилдорлиги юқори бўлгани учун етиштирилган маҳсулотдан олинган ялпи даромад, соф фойда ва рентабеллик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич Дева намунасининг биринчи туганак репродукцияси экилган вариантдан олинган (6-жадвал).

6-жадвал

Генератив уруғларидан етиштирилган туганак репродукцияларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2013-2015 йй.)

Т/р	Намуналар	Ҳосилдорлик, т/га	Жами харажатлар, минг сўм/га	Ялпи даромад, минг сўм/га	1 ц маҳсулот таннархи, минг сўм	1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, минг сўм	Соф фойда, минг сўм/га	Рентабеллик даражаси, фоиз
Биринчи туганак репродукцияси								
1.	ВИР-8	26,2	6114	15720	23,3	60	9606	157,1
2.	Сурхон-1	23,0	6010	13800	26,1	60	7790	129,6
3.	Дева	32,0	6390	19200	20,0	60	12810	200,5
4.	F ₁ Лада	20,4	5861	12240	28,7	60	6379	108,8
5.	Триумф	28,6	6220	17160	21,7	60	10940	175,9
6.	Илона	25,2	6095	15120	24,2	60	9025	148,1
7.	Қувонч 1656 М (ст.)	21,4	5925	12840	27,7	60	6915	116,7
Иккинчи туганак репродукцияси								
1.	ВИР-8	24,1	5970	14460	24,8	60	8490	142,2
2.	Сурхон-1	19,9	5820	11940	29,2	60	6120	105,2
3.	Дева	29,3	6200	17580	21,2	60	11380	183,5
4.	F ₁ Лада	16,3	5620	9780	34,5	60	4160	74,0
5.	Триумф	26,0	6100	15600	23,5	60	9500	155,7
6.	Илона	23,7	5914	14220	25,0	60	8306	140,4
7.	Қувонч 1656 М (ст.)	19,4	5790	11640	29,8	60	5850	101,0
Учинчи туганак репродукцияси								
1.	ВИР-8	15,0	5600	9000	37,3	60	3400	60,7
2.	Сурхон-1	11,5	5230	6900	45,5	60	1670	31,9
3.	Дева	18,0	5980	10800	33,2	60	4820	80,6
4.	F ₁ Лада	10,0	5620	6000	56,2	60	380	6,8
5.	Триумф	16,6	5640	9960	34,0	60	4320	76,6
6.	Илона	13,2	5460	7920	41,4	60	2460	45,1
7.	Қувонч 1656 М (ст.)	18,0	5985	10800	33,3	60	4815	80,5

Олинган натижалар картошкани генератив уруғларидан етиштириб олинган иккинчи туганак репродукцияларида иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишини кўрсатади. Яъни ўрганилган намуналар бўйича рентабеллик даражаси 74,0-183,5 фоизни ташкил қилган бўлса, стандарт навда бу кўрсаткич 101,0 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида туганак репродукциясининг ошиб бориши билан ўсимликларнинг вирус касалликлари билан зарарланиш даражасининг ошиши, бу эса ўз навбатида уруғлик сифатларининг ва ҳосилдорликнинг пасайиши билан боғлиқ.

ХУЛОСАЛАР

1. Уруғларнинг унувчанлиги, кўчатларнинг тутувчанлиги ва ҳосилдорлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган картошканинг Дева, Триумф, Сурхон-1, Илона ва F₁ Лада намуналари генератив уруғларидан кўчат усулида етиштиришга мос намуналар бўлиб, гектаридан 25,7-31,3 т ҳосил олишни таъминлайди.

2. Генератив уруғларидан кўчат усулида етиштирилганда картошканинг ВИР-8, Триумф ва Дева намуналарида ҳосилнинг юқори бўлиши олинди таннаридан маҳсулот таннарининг (10-12 минг сўм/ц) пасайишини, бу эса ўз навбатида юқори (233,0-298,1 фоиз) рентабеллик даражасини таъминлайди.

3. Резавор мева ҳосил қилиши бўйича картошканинг Дева (38,1-66,5 фоиз), Триумф (37,6-65,2 фоиз), Сурхон-1 (34,5-64,0 фоиз) намуналаридан энг юқори кўрсаткичлар олинди. Намуналарни тоғолди зонаси шароитида етиштириш экиш сифатлари юқори уруғ олишни таъминлайди.

4. Уруғкўчатларни дала тутувчанлиги намуналар бўйича ўртача 87,5-96,2 фоиз бўлиб, уларнинг тутувчанлиги 70x10 см схемада, ўсимликларнинг энг юқори биометрик кўрсаткичлари, жумладан, максимал ассимиляция юзаси эса 70x20 см схемада экилган вариантда шаклланди.

5. Ботаник уруғларидан етиштирилган ҳамма намуналар ўсимликларида вирус касалликлари белгилари намоён бўлмасда ўсимликларнинг паст даражада (0,5-1,8 фоиз) яширин шаклдаги вируслар билан зарарланганлиги аниқланди.

6. Майдон бирлигида туп қалинлигининг ошиши (70x10 см) билан ҳамма намуналарда ўсимликларнинг контакт усулда тарқаладиган Х ва М вируслари билан, катта экиш схемалари (70x30 см) эса ўсимликларнинг энтомофил табиати билан характерланадиган Y вирус билан зарарланишини кучайтиради.

7. Уруғкўчатларнинг 70x20 см схемада экиш картошка намуналари гектаридан 17,5 т дан (Сурхон-1 намунасида) 31,3 т гача (Дева намунасида) ҳосил олишни таъминлайди. Экиш схемасининг кенгайиши билан умумий ҳосилдан майда туганаклар чиқимининг камайиши ва йирик (массаси 80 г дан катта) туганаклар чиқимининг кўпайиши кузатилади.

8. Генератив уруғлардан уруғкўчат усулида етиштириб олинган Дева, Триумф, Илона ва Сурхон-1 намуналарининг биринчи ва иккинчи туганак репродукцияларидан уруғлик мақсадларида фойдаланиш мумкин. Биринчи туганак репродукцияси энг юқори (20,4-32,0 т/га) ҳосил олишни таъминлайди. Уларнинг учинчи туганак репродукциясидан уруғлик сифатида фойдаланиш иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмас.

9. Генератив уруғларидан етиштирилган картошка туганак репродукцияларида вирусларни тарқалиши яратилган қуйидаги гипотезага асосан рўй беради: айрим патогенларга чидамсиз намуналарнинг авлодларида «вируслар букети» шаклланади ва «вирусларга муносабати» турлича бўлган ўсимликлар авлодларида уларнинг генетик гетерозиготалиги учун патогенларнинг тарқалиш интенсивлиги кучаяди. Навларда эса

вируслар биоценози чегараланганлиги патогенларнинг тарқалиш имкониятини чеклайди.

10. Картошканинг генератив уруғларидан уруғбоп ва хўраки картошка етиштириш учун:

Дева, Триумф, Сурхон-1, ВИР-8 ва Илона нав ва намуналаридан генератив уруғларидан етиштиришга мос шакллар сифатида фойдаланиш, улардан олинган уруғкўчатларни 70x20 см схемада парваришlash;

картошканинг юқори экиш сифатларига эга генератив уруғларини тоғолди зонасида етиштириш;

картошкани генератив уруғлардан етиштириш усулидан экиннинг вируссиз асосидаги уруғчиликда дастлабки материал сифатида фойдаланиб, олинган биринчи ва иккинчи туганак репродукцияларидан уруғлик сифатида фойдаланиш паст таннархда картошка етиштиришни таъминлайди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.27.06.2017.QX.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ

ЭШОНКУЛОВ БАБУР МАМУРОВИЧ

**ГЕНЕРАТИВНОЕ РАЗМНОЖЕНИЕ КАРТОФЕЛЯ И ЕЕ
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В СЕМЕНОВОДСТВЕ**

**06.01.08-Растениеводство
06.01.05-Селекция и семеноводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Qx42

Диссертация выполнена в Самаркандском сельскохозяйственном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам samqxi.uz и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz

Научный руководитель:	Эргашев Ибрагим Ташкентович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдурахимов Мингжигит Каттабекович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Назаров Худайберди Куйдимуратович кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт овощебахчевых культур и картофеля

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.27.06.2017.Qx.12.01 при Самаркандском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77. Главное здание Самаркандского сельскохозяйственного института, 2-этаж, зал конференций. Тел.: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20, e-mail: samqxi@qsxv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского сельскохозяйственного института (зарегистрирован за № ____). Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77. Главное здание Самаркандского сельскохозяйственного института, 2-этаж, 47-кабинет. Тел.: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20, e-mail: samqxi@qsxv.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года.)

Т.Э.Остонакулов

Председатель разового Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.х.н., профессор

А.Л.Санакулов

Учёный секретарь разового Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.х.н., доцент

А.А.Элмуродов

Председатель Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёной степени, д.с.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время выращивание картофеля в мире составляет в среднем 17т/га, а для потребления по 31,3 кг на душу населения. Основная часть т.е. 50-60% производственной продукции используется в продовольственных, 25% в кормовых целях и 10% в качестве семенного материала (FAO)². Во всех картофелепроизводящих государствах мира обеспечение хозяйств качественным семенным материалом и разработка новых способов, способствующих сэкономить семенной материал является актуальной проблемой.

В таких государствах как Китай и Индия проблема недостатка семенного материала решается за счет использования генеративного размножения картофеля. При этом расходуется в среднем на гектар 100-120 грамм семян, а сэкономленные семенные клубни можно использовать в продовольственных целях, что способствует резкого снижения затрат на производимой продукции. Выделение и создание сортов, гибридов и гибридных популяций пригодных для генеративного размножения и разработка эффективной технологии возделывания семенного и продовольственного картофеля из ботанических семян способствует повышения эффективности картофелеводства в республике. В картофелеводстве мира в основном проводятся исследования в следующих приоритетных направлениях: создание сортов пригодных в определенных почвенно-климатических условий; усовершенствование систему семеноводства учитывая биологических особенностей сортов, разработка эффективную агротехнологию выращивание картофеля клубнями и из генеративных семян.

Широкомасштабные реформы, проводимые в республике в годы независимости охватывает вопросы увеличения производство картофеля. В эти годы выделены пригодные для почвенно-климатических условий региона сорта и создана семенная база на основе организации семеноводства культуры. Вместе с тем, недостаточно проведены исследования по разработке технологии выращивания картофеля из генеративных семян картофеля методом рассадной культуры с учетом почвенно-климатических условий республики. В стратегиях развития Узбекистана 2017-2021 гг. отмечено что, «...повышение урожайности и производство плодоовощной продукции и винограда за счет оптимизации посевных площадей и структуры и внедрения передовых агротехнологий» является одним из важных стратегических задач.

Востребованность выполнения данной диссертационной работы вытекает из задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 26.01.2009 г. № ПП-1047 «О дополнительных мерах по расширению производства продовольственных товаров и

² FAO, 1995, 2004, 2008. Food and Agriculture Organization of United Nations (<https://fao.org>)

насыщению внутреннего рынка», от 29.12.2015 г. № ПП-2460 «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 годы», от 12.04.2016 г. № ПП-2520 «О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур» а также других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В Узбекистане в селекционных целях генеративное размножение картофеля используют профессора Д.Т.Абдукаримов, Т.Э.Остонакулов, И.Т.Эргашев и другие. Кроме того, эффективность элементов технологии возделывания продовольственного картофеля изучены профессором Т.Э.Остонакуловым и д.с.х.н. А.А.Элмурадовым. Однако, в последние годы исследования в направлениях по выделению пригодных для генеративного размножения картофеля с учетом, сформулированного сортимента и генотипов ягодообразующих образцов, получению из них ботанических семян и разработки технологии возделывания продовольственного и семенного картофеля является не изученным вопросом.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Самаркандского сельскохозяйственного института по проектам КХА-9-048 «Разработать эффективной технологии возделывания картофеля из генеративных семян» (2012-2014 гг.) и КХА-8-020-2015 «Разработка эффективных способов оценки новых сортов картофеля в конкурсном сортоиспытании и их передача в ГСИ» (2015-2017 гг.).

Цель исследования является разработка эффективной технологии возделывания картофеля из генеративных семян на основе выделения сортов, гибридов и гибридных популяций и изучения эффективности использования их клубневых репродукций в семеноводстве картофеля на безвирусной основе в качестве исходного материала.

Задачи исследования:

оценка и отбор генотипов по урожайности, скороспелости, устойчивости к болезням и вредителям, а также по другим морфогенетическим особенностям и пригодности к генеративному размножению;

определить всхожесть из семян, приживаемость рассады, особенности роста, развития, поражаемость вирусными болезнями, урожайность и структуру урожая образцов картофеля при генеративном размножении;

отбор ягодообразующих и качественных семян образцов и обоснование биологических и агроэкологических факторов выращивания картофеля из ботанических семян;

